

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЗАХИДОВА НОДИРА ЭРКИНОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ
ПРОГНОЗЛОВЧИ МУЛЬТИФАКТОРЛИ
АЛГОРИТМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.20–Тиббий генетика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Захидова Нодира Эркиновна

Преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозловчи
мультифакторли алгоритмларини ишлаб чиқиш..... 3

Захидова Нодира Эркиновна

Разработка прогностических мультифакторных алгоритмов
риска развития преэклампсии..... 23

Zakhidova Nodira Erkinovna

Development of predictive multifactorial algorithms
of risk of preeclampsia 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЗАХИДОВА НОДИРА ЭРКИНОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ
ПРОГНОЗЛОВЧИ МУЛЬТИФАКТОРЛИ
АЛГОРИТМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.20–Тиббий генетика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib382 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хегай Татьяна Рудольфовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мухамедов Рустам Султанович тиббиёт фанлари доктори, профессор Каримова Феруза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Тиббий-генетика илмий маркази» Давлат федерал бюджет илмий корхонаси, Россия

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
Тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида хомиладорлик асоратлари, жумладан преэклампсия ва эклампсия тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...репродуктив саломатлик муаммоси бутун дунёдаги олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Аёллар ўлимининг 10%ини преэклампсия ва у билан боғлиқ асоратлар ташкил қилмоқда».¹ Преэклампсик хомиладорлик гўдаклар ўлимига ҳам сабаб бўлмоқда, яъни «...муддатидан олдинги туғруқ бутун дунё бўйича перинатал ўлимнинг 900000 нафари преэклампсия билан боғлиқдир».² Преэклампсияда хомиладор аёллар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, унинг хавфини прогнозловчи мультифакторли алгоритмларни ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Жаҳон миқёсида хомиладорлик вақтида юзага келадиган асоратлар, жумладан преэклампсиянинг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада преэклампсияни келиб чиқиши ва ривожланиш хавфининг фенотипик омилларини аниқлаш, турли популяцияларда преэклампсиянинг фенотипик ўзгаришларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, касалликнинг мултипараметрли алгоритмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Преэклампсия ривожланиш хавфини эрта ташхислаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида хавф генларининг аллел ва генотипик вариантларини аниқлаш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш»³ вазифалари

¹Рекомендации ВОЗ по профилактике и лечению преэклампсии и эклампсии, ВОЗ, 2014.

²Skjaerven R et al. Recurrence of pre-eclampsia across generations: exploring fetal and maternal genetic components in a population based cohort. *BMJ*. 2005;331:877

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияситўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

белгиланган. Бу борада жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда преэклампсия ривожланиш хавфини генетик таххислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 2 ноябрдаги ПК-2650-сон «2016-2020 йилларда Ўзбекистонда она ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда хомиладорликнинг ушбу асоратини келиб чиқиш сабабларининг бир қанча гипотезалари мавжуд. Улар орасида преэклампсияни ривожланишида кўпгина генетик ва муҳит омиллари иштирок этувчи мультиомилли касаллик сифатида қаралувчи назария энг долзарб ҳисобланади. Преэклампсиянинг ривожланишида генетик компонент энг етакчи роллардан бирини эгаллайди, лекин уни амалга ошириш эҳтимоли битта миждо қатор генетик ва эпигенетик омилларнинг бир-бирини тўлдиришига боғлиқ (Савельева Г.М. ва ҳаммуалифлар, 2015; Сидорова И.С. ва ҳаммуалифлар, 2015).

Эпидемиологик тадқиқотлар доимо жабр кўрган аёллар билан биринчи даражали қариндошликда преэклампсия хавфининг 2-3 барабар ортишини кўрсатади. Эҳтимол, наслдан наслга ўтишнинг комплекс модели эффектнинг кичик индивидуал қийматлари билан бўлган кўп сонли генларни ўз ичига олади. Швеция туғилиш регистридаги 700000 хомиладорликнинг тахлили она ва ота йўналишлари орқали мерос қилиб олинган генларнинг бир хил иштироки билан онанинг 0,35 (95% С.І. 0,33-0,36) генлари ва эмбрионал 0,20 (95% С.І. 0,11-0,24) генлар орқали ўтувчи преэклампсиянинг наслдан наслга ўтишини баҳолайди (Giguere Y., Charland M., Vujold E. 2010; Kenny L.C. Mccarthy F.P. 2015). Бу кузатувлар преэклампсиядан азиат чекувчи аёллар ва болаларда мойиллик генлари вариантларини идентификациялаш учун генетик тадқиқотлар муҳимлигини таъкидлайди.

Кўпгина тадқиқотчилар преэклампсия ривожланишини ҳисобга олиш вақтида аниқланувчи хавф омиллари орасида куйидагиларни ажратадилар: биринчи хомиладорлик, ингравидар оралиқнинг 10 йил ва ундан ортиқ бўлиши, онанинг анамнезида преэклампсия мавжудлиги, олдинги хомиладорликда гипертензив ўзгаришларнинг кузатилиши, ёши 35дан

ошганлиги, тана вазни индексининг ошганлиги ($>25 \text{ кг/м}^2$), ҳисобга олишда диастолик артериал босимнинг 80 мм сим. уст. дан ортиқ бўлиши, кўп сувлилик, инсулинга боғлиқ қандли диабет, буйрак касалликлари, гипертоник касаллик, анамнезида тромбофилия ва аутоиммун касалликлар ва антифосфолипид синдроми (Chappel S., Morgan L. 2006).

Ҳозирги вақтга келиб генларнинг 100дан ортиқ полиморф вариантларининг преэклампсиябилан ассоциациялари кўрсатилган (www.HuGENet.org). Шунини таъкидлаш лозимки, преэклампсиянинг молекуляр механизмларини аниқлашдаги баъзи муваффақиятларга қарамадан, турли тадқиқотчилар томонидан ушбу касалликка генетик мойилликни ўрганиш давомида олинган натижалар кўп ҳолларда алоҳида этник гуруҳлар учун қарама-қарши ҳисобланади. Баъзи муаллифлар бундай қарама-қаршилиқларнинг асосий сабаблари сифатида муайян популяциянинг демографик тарихи натижасида шаклланивчи турли популяцион танламалар ўртасида ПЭнинг ирсий компонентлари тузилишининг вариабеллиги деб ҳисоблайдилар (Хуснутдинова Э.К., Боринская С.А. 2002; Lokki AI, Klemetti M.M., Heino S. Laviuori H., 2011).

Шу муносабат билан аёллар хомиладорлиги асоратлари келиб чиқишини олдини олиш, преэклампсиянинг фено-генотипик кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотиининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДДС 15.2.1 «Хомиладорлик давридаги гипертензив ўзгаришлар прогнози ва профилактикаси усулларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) ва InterPregGen №282540 Европа Иттифоқи Еттинчи Рамкали Дастури жамғармаси билан ҳамкорликда «Марказий Осиё ва Европа популяцияларида преэклампсияни генетик тадқиқоти» (2007-2013йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозловчи мултифакторли алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

преэклампсия ривожланиш хавфининг кўп кўрсаткичли фенотипик омилларини аниқлаш;

преэклампсия ривожланиш хавфининг кўп кўрсаткичли аҳамиятли генетик омилларини аниқлаш;

ўзбек популяциясида преэклампсиянинг фено-генотипик кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш;

ўзбек популяциясида преэклампсиянинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш;

преэклампсия ривожланиш хавфининг патогенетик асосланган мултипараметрли алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида назоратда бўлган ўзбек миллатига мансуб преэклампсия ташхисли 100 нафар бемор ва 100 нафар соғлом хомиладор аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби молекуляр-генетик тадқиқотлар учун, пешоб протеинурия даражасини аниқлаш учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда интеграцион таҳлил, умумклиник, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор преэклампсия ривожланишида иштирок этувчи (ACE, FLT1, MECOM) генларининг аллел вариантлари ва генотиплари учраши даражаси аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига хос аёлларда преэклампсия ривожланиши артериал босимни бошқарувчи (ACE) генининг rs4646994 полиморфизми билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек популяциясида преэклампсия келиб чиқиши эндотелиал ўзгаришларга олиб келувчи (FLT1) генининг rs1185049 полиморфизми билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор преэклампсия ривожланишида иштирок этувчи полиморфизмларининг ўзбек миллатига хос комбинациялари (rs1185049, rs4646994, rs7626980) аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хомиладорликнинг гравидар олди босқичи ва эрта муддатларида преэклампсия ривожланишини прогнозлаш учун хавф генларининг аллел ва генотипик вариантлари аниқланган;

преэклампсия ривожланишини амалга оширувчи аҳамиятли генотипларнинг (rs1185049, rs4646994, rs7626980 полиморфизмлари) протеинурия, САБ ва ДАБ кўрсаткичлари билан ассоциатив боғлиқлиги аниқланган;

илк бор кўп омилли баҳолаш орқали преэклампсияни прогнозловчи юқори предиктив кўрсаткичга эга (AUC 0,93; хослик=88%; сезувчанлик=90%) математик модели ишлаб чиқилган.

преэклампсия ривожланиши гравидар олди ва гравидар босқичларини прогноз қилишнинг фено-генотипик алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти преэклампсия ривожланишида иштирок

этувчи генотипларнинг миллатга хос комбинацияларини аниқлаш чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Ўзбек популяциясида преэклампсия ривожланишида иштирок этувчи rs1185049, rs4646994, rs7626980 хавф генлари полиморфизмларининг аллел вариантлари ва генотиплари учраши даражаси, уларнинг миллатга хос комбинациялари, кўп омилли баҳолаш орқали фенотипик ва генетик кўрсаткичлар комплексининг аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек популяциясида преэклампсия ривожланишини амалга оширувчи аҳамиятли генотипларнинг (rs1185049, rs4646994, rs7626980 полиморфизмлари) протеинурия, САБ ва ДАБ кўрсаткичлари билан ассоциатив боғлиқлигини аниқланиши, преэклампсия ривожланиши гравидар олди ва гравидар босқичларини прогноз қилишнинг фено-генотипик алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги ва тадбиқ этилганлиги касалликнинг ривожланишини олдини олиш, даволаш самарасини ошириш ҳамда аёлларни хомиладорликкача бўлган ва хомиладорлик даврида эрта соғломлаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозлаш ва эрта ташхислашнинг замонавий молекуляр-генетик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозловчи мультифакторли алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар InterPregGen Европа Иттифоқи Еттинчи Рамкали Дастури жамғармасининг 282540 рақамли «Марказий Осиё ва Европа популяцияларида преэклампсияни генетик тадқиқоти» мавзусидаги лойиҳасида қўлланилган, шунингдек Ноттингем университети ва Лидс университетининг (Буюк Британия) клиник бўлимлари амалиётларига жорий этилган (Ноттингем ва Лидс университетлари InterPregGen лойиҳаси координатори Linda Morgan ва дивизион директори профессор Р.М.Норкинларнинг 2019 йил 25 апрелдаги маълумотномалари). Жорий қилинган натижалар, яъни юқори статистик аҳамиятли генетик вариантларни умумий геном миқёсида аниқланиши преэклампсия скрининги ва уни пайдо бўлиш хавфини баҳолашга имконият яратган;

«Мультифакторли касалликлар ривожланиши хавф омилларининг мета-таҳлили» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 8н-д/278-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мультифакторли касалликлар ривожланиши хавф омиллари аниқлаш, ташхислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

преэклампсия ривожланиш хавфини прогнозлаш ва эрта ташхислашнинг замонавий молекуляр-генетик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика

ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Иммунология ва инсон геномикаси институти амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 26 мартдаги 8н-з/40-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар преэклампсия ривожланишининг хавф гуруҳларини аниқлаш усулларини оптималлаштириш, ҳомиладорлик даврида гипертензив ўзгаришларнинг олдини олиш, касаллик асоратларини камайтириш ҳисобига оналар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Преэклампсия ва унинг хавф омиллари тавсифи**» деб номланган биринчи бобида ҳомиладорлик давридаги гипертензив бузилишлар ва хусусан преэклампсия тўғрисида замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган. Преэклампсия патогенезининг ривожланиши ва механизмларининг асосий назариялари келтирилган. Мазкур патологиянинг ривожланишидаги асосий хавф омиллари батафсил ёритилган ва преэклампсия ривожланишида генетик компонентнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида диссертация ишида фойдаланилган тадқиқотнинг статистик, клиник-

лаборатор ва генетик усуллари ёритилган, тадқиқот материали ёритилган ва тавсифланган, натижаларнинг статистик ишлови тақдим этилган.

Маълумотларни йиғиш Европа Иттифоқи Еттинчи Рамкали Дастури жамғармасининг “Марказий Осиё ва Европа популяцияларида преэклампсияни генетик ўрганиш” ҳамкорликдаги халқаро лойихаси, шунингдек АДДС 15.2.1 “Хомиладорлик давридаги гипертензив бузилишлар прогнози ва профилактикаси усуллари ишлаб чиқиш” амалий лойихаси доирасида амалга оширилган.

Биринчи босқичда 1469062 нафар мижоз текширилган, улардан ПЭ билан бўлган гуруҳ 565255 нафар хомиладор ва 903807 турли этник мансуб аёллар назорат гуруҳини ташкил қилган. Жами 100 та клиник-анамнестик хавф омиллари, шунингдек, ПЭ ривожланиши билан ассоциацияни аниқлаш учун 310 SNP текширилган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ўзбек миллатига мансуб 200 нафар одам текширилган, улардан ПЭ билан гуруҳ - 100 нафар, назорат гуруҳи – 100 нафар аёл меъёрда кечувчи хомиладорлик билан, иккала гуруҳ йиғиш шартининг паритетлигига риоя қилган ҳолда шакллантирилган. Ушбу танламада тизимли интеграцион таҳлил орқали танлаб олинган 6 та клиник-анамнестик хавф омиллари, шунингдек тизимли таҳлил натижалари бўйича ўз аҳамиятини сақлаб қолган 6 гендаги 7 локус ўрганилган.

Мазкур ўрганиш учун танлаб олинган ПЭ билан мижозлар учун киритиш мезонлари қуйидагилар бўлди:

- Илгари қон босими меъёрда бўлган хомиладор аёлда 20 ҳафталик хомиладорликдан сўнг ҳеч бўлмаса 2 маротаба гипертензиянинг кузатилиши (систолик қон босими 140 mm.hg ёки ундан баланд, диастолик қон босими 90 mm.hg ёки ундан баланд).
- Сийдик йўллари инфекцияси мавжуд бўлмаганда 24 соат давомида протеинурия 300 mg/дан ортиқ ёки 24 соат ичида 500 mg.

Назоратдаги хомиладор аёллар киритишнинг қуйидаги мезонларига мос келди:

- Преэклампсиянинг мавжуд эмаслиги
- Табiiй давр ичида юзага келган бир хомилали соғлом хомиладорлик.

Иккала гуруҳ мижозлари учун гуруҳдан чиқариш мезонлари қуйидагилар бўлди:

- Ўтказилган буйрак касалликлари
- Мазкур хомиладорликдаги хорионаденома
- Кўп хомилали хомиладорлик.

Барча аёллар киритиш мезонларига мос келди, уларга тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилди, улар ушбу тадқиқот учун ёзма кўнгилли хабардор розиликларини беришди.

Этно-генеалогик ва клиник маълумотларни йиғиш АваГ РИИАТМда кундалик шифохона ёзувларининг таҳлили ва сўров йўли билан амалга оширилди.

Генетик текширувлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтининг геном-хужайра технологиялари бўлимида ўтказилди. Геном ДНКсини ажратиш стандарт тузли усул билан ўтказилди. Генотиплаш усули qPCR (Stratagene M*3005p, Agilent Technologies, Germani; DT-Prime, ДНК-Технология, Россия) усулларини қўллаш йўли билан ўтказилди.

Текширилаётган танламани генотиплаш учун ўтказилган тизимли интеграцион таҳлил натижасида қуйидаги алоҳида статистик аҳамиятга эга локуслар танлаб олинди:

Полиморфизм	Ген	Хром.	Минорли аллель
rs231775	CTLA4	2	G
rs7626980	MECOM	3	G
rs1799889	SERPINE	7	4G
rs268	LPL	8	G
rs1799963	F2	11	A
rs1185049	FLT1	13	G
rs4646994	ACE	17	del

Диссертациянинг «Презкламписия ривожланишида фенотипик ва генетик хавф омилларининг тизимли интеграцион таҳлили» деб номланган учинчи бобида ПЭ ривожланишининг хавф омилларининг тизимли интеграцион таҳлили тақдим этилган. Тизимли интеграцион таҳлил даллиларга асосланган тиббиётнинг усули ҳисобланиб, турли тадқиқотлар натижаларини нисбий баҳолаш, шунингдек умумлаштирувчи хулоса олиш мақсадида уларни интегрирлаш имконини беради. Тизимли таҳлилнинг шубҳасиз устунлигига тадқиқотнинг статистик қувватининг ортиш имконияти, таҳлил этилувчи омил самарасини баҳолашни аниқлиги имконияти киради.


Ўтказилган таҳлил натижасида текширилганларнинг умумий сони 1342562 нафар киши бўлган 10 та тадқиқот ажратилган, уларнинг ярмини ретроспектив когорт тадқиқотлар, қолган ярмини проспектив когорт тадқиқотлар ташкил этди. Тақдим этилган давлатларнинг кўпчилиги (77,7%) Европа давлатларидан бўлган. Тадқиқотларнинг мутлоқ кўпчилиги ПЭнинг клиник таърифини МКБ-10 классификацияси бўйича қўллашган. Мижозларнинг ўртача сони 134 25620 (SD 245988,72) ни ташкил этди, бунда тадқиқот қилинганларнинг сони 681515 нафар шахс, минимал сони 2701 нафар одам бўлди.

10 та тадқиқотда кўриб чиқилган 27 та клиник-анамнестик омилдан 12 таси таҳлилга киритилди. Уларнинг ҳар бири ПЭ билан камида 2 маротаба ассоцирланган.

Тадқиқот дизайнида кутилганидек, ўтказилган тизимли интеграцион таҳлил натижасида ҳар бир хавф омили бўйича танламанинг гетерогенлиги жуда юқори бўлди (I^2 23,7%дан 99,7%гача). Энг кичик гетерогенлик онанинг ёши бўйича кузатилди ($I^2=23,7\%$).

ПЭ бўйича ирсият билан оғирлашган мижозларда энг юқори бирлашган OR 9.01 [7,62, 10,64] бўлган, бу мазкур патология ривожланишида ирсий

мойиллик гипотезасини тасдиқлайди. Мазкур белги бўйича гетерогенлик индекси кичик бўлди $I^2=23,7\%$.



1-расм. ПЭ бўйича ирсий мойиллик бўйича тадқиқотлар орасида OR (ДИ 95%) тақсимланиши


Бошидан ўтган преэклампсия аҳамияти бўйича иккинчи бўлди, бирлашган OR 8,38 ни ташкил қилди [7,07; 9,92]. Бунда мазкур белги бўйича танламанинг гетерогенлик индекси ПЭ ривожланиш ҳавф омили каби ирсий мойилликка қараганда юқори бўлди ($I^2=59,9\%$).

Бизнинг тадқиқотда аҳамияти бўйича учинчи ўринда сурункали АГ бўлди, мазкур ҳавф омили бўйича бирлашган OR 5,06 [3,95; 6,49] ни ташкил қилди.

Онанинг ёши ПЭ ривожланишининг ҳавф омиллари аҳамияти бўйича рўйхатда охириги бўлиб аниқланди, шунга қарамай ушбу омил ПЭ ривожланишида ҳавфли ҳисобланади. Юқорида таърифланган ҳавф омиллари бўйича натижаларнинг статистик ҳақиқийлиги юқори бўлди ($P < 0,001$). Қолган 6 та омил бўйича ПЭ ривожланиши билан ҳақиқий боғлиқлик аниқланмади.

2006-2016 йиллардаги 1000дан ортиқ тўлиқ матнли мақолаларни ўз ичига олган биз томондан ўтказилган ПЭ ривожланишининг клиник-анамнестик ҳавф омилларини тизимли интеграцион тадқиқотлари натижалари ҳам мазкур патология ривожланишида ирсий мойиллик гипотезасини тасдиқлади, бу шуни кўрсатдики, 100та ўрганилган ҳавф омилларидан энг кўп боғлиқликни ирсий белгилар, яъни имкониятлар нисбати энг юқори бўлган оғирлашган оилавий анамнез бўлди ва OR=9,01 [7,62, 10,64]ни ташкил қилди ҳамда бошдан ўтказилган преэклампсия билан бирлашган OR=8,38 [7,08, 9,92] бўлди.

Юқорида айтилганларга асосланиб, турли популяцияларда ПЭ ривожланишида иштирок этувчи алоҳида статистик аҳамиятга эга локусларни аниқлаш учун генетик тадқиқотларнинг тизимли интеграцион тахлили ўтказилди.



2-расм. ПЭ(P<0,001) билан ассоцирланган локуслар учун бирлашган ОРлар (95%ДИ)

Ўтказилган тадқиқот натижасида ПЭ билан аҳамиятли ассоцирланган 7 гендаги 7 полиморфизмлар аниқланди (2-расм). Қолган 12 локус бўйича ПЭ ривожланиши билан ҳақиқий боғлиқлик кузатилмади (2-расм). Аҳамиятли локуслар бўйича бирлашган ОРлар 1,17дан 2,42гача кузатилди. Тизимли таҳлил натижалари бўйича бирорта протектив локус аниқланмади.

Олинган натижалар таҳлили ПЭ билан патогенетик аҳамиятли генларнинг қуйидаги уюшмаларини кўрсатди. V Лейден омили сифатида ҳам машхур бўлган rs6025 преэклампсияда энг кўп ўрганилди, 40 та тадқиқот натижалари бўйича OR 1,94 (95% CI 1,56-2,45)ни ташкил қилди. Метилентетрагидрофолатредуктаза (MTHFR)нинг rs1801133 полиморфизми 45 та тадқиқотда қайд қилинган, бу бирлашган OR 1,06 (95% CI 0,97-1,16)га олиб келди. II коагуляция омили (протромбин сифатида ҳам машхур) генининг rs1799963 полиморфизми 30 та тадқиқотда ўрганилган ва таҳлил давомида бирлашган OR 1,95 (95% CI 1,43-2,66)ни ташкил қилди. Серпинли пептидаза (SERPINE1, шунингдек I типдаги плазминоген активатори ингибитори сифатида ҳам машхур) ингибиторидаги rs1799889 локуснинг метааналитик OR 1,17 (95% CI 1,03-1,33)га тенг бўлди.

Ангиотензин 1-алмаштириш ферменти (ACE)нинг rs4646994 полиморфизми преэклампсия ривожланишида ген-номзод сифатида кўп ўрганилган, 20 та тадқиқотда бирлашган OR 1,20 (95% CI 1,08-1,34)ни ташкил қилди. Ангиотензиннинг иккала полиморфизми rs699 ва rs4762 мос равишда 21 ва 5 тадқиқотларда ўрганилган. Тизимли таҳлил натижалари бўйича rs699 локус преэклампсия билан ҳақиқий боғлиқликни кўрсатмади, унинг бирлашган OR 1,23 (95% CI 0,98-1,54)ни ташкил қилди.

Шунингдек rs4762 полиморфизми преэклампсия ривожланишида аҳамиятсиз эканлиги аниқланди, бирлашган OR=1,25 (95% CI 0,67-2,30). Ренин-ангиотензин системасининг бошқа локуси II турдаги ангиотензин

рецептори (ATIR) rs5186 9 та тадқиқотда ўрганилган ва тахлил якунлари бўйича ПЭ билан аҳамиятли боғлиқлиги йўқлигини кўрсатди.

Азот-3 оксиди синтазаси (NOS3) генининг 3 та локуси ПЭ ривожланишида ген номзодлар сифатида тадқиқотларда бир неча бор кўрилди, лекин улардан бирортаси ҳам тахлил якунлари бўйича ўзининг статистик аҳамиятини сақлаб қолмади. интрон-4да 27 bp-VNTR полиморфизми 1,14 (95% CI 0,90-1,43)га тенг бўлган бирлашган OR тўплади, rs2070744 ва rs1799983 локуслар учун эса бирлашган OR мос равишда 1,08 (95% CI 0,95-1,23) ва 1,19 (95% CI 1,00-1,42)ни ташкил қилди.

Цитотоксик Т-лимфоцитар оқсил 4 (CTLA4) учун жавобгар rs231775 тўртта тадқиқотда ўрганилган. Тизимли тахлил мазкур локусни бирлашган OR=1,24 (95% CI 1,01-1,52)ли ПЭ билан уюшмасини аниқлади. Интерлейкин 10 (IL10) мета анализ (OR=0,91, 95% CI 0,74-1,12) якуни бўйича ПЭ билан боғлиқ бўлмаган. Альфа ўсмаси некрози (TNF-альфа) омилининг иккита локуси (rs1800629 ва rs1799724) ПЭ ривохланишида аҳамиятга эканлиги аниқланди, лекин тизимли тахлил натижаларида мазкур боғлиқлик тасдиқланмади (мос равишда OR=1,17, 95% CI 0,91-1,49 ва OR=0,66, 95% CI 0,33-1,31).

Липопропротеин липазаси (LPL) гени полиморфизмлари rs1800590 ва rs268 бир неча тадқиқотларда аҳамиятли бўлган, лекин фақат rs268 тахлил (OR=2,42, 95% CI 1,25-4,68)дан кейин преэклампсия билан уюшган бўлган. Аполипопротеин Е (APOE) генидаги комбинирланган rs429358 ва rs7412 полиморфизмлар (аллель E2) саккизта тадқиқотларда аниқланган, уларнинг бирлашган OR 0,86 (95% CI 0,66-1,13)ни ташкил қилди, шу вақтнинг ўзида мазкур геннинг rs4986791 локуси 3 маротаба ўрганилди. Тизимли тахлил натижалари бўйича уларнинг бирортаси ПЭ ривожланиши билан ассоцирланмаган.

TLR4 генининг rs4986790 полиморфизми тўртта тадқиқотда тақдим этилган, шу вақтда ушбу геннинг rs4986791 локуси 3 маротаба ўрганилган. Анализ натижасида уларнинг бирортаси ҳам ПЭ ривожланиши билан боғлиқ бўлмаган. Тизимли тахлил (OR 1,36 95% CI 0,64-2,91) статистик аҳамиятга эга боғлиқликни аниқламаган бўлса ҳам ўсишнинг эндотелиал фактори (VEGF)нинг rs3025039 полиморфизми бир неча тадқиқотчилар томонидан аҳамиятли деб топилган.

Fms-симон тирозинкиназа 1 FLT1 проангиоген омиллар, томирлар ўсиш омили (VEGF) ва плацента ўсиш омиллари(PIGF)ни боғловчи типрозинкиназанинг трансмембрана рецепторини кодлайди. Мазкур геннинг rs185049 полиморфизми иккита тадқиқотда ўрганилган бўлиб, тизимли тахлил натижасида унинг бирлашган OR 1,19 P=0,005 билан(95% CI 0,641,04)ни ташкил қилди.

MECOM генининг rs7626980 полиморфизми шунингдек иккита тадқиқотда қайд қилинган, уларнинг иккаласида ПЭ ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатди. Тизимли тахлил натижасида унинг ҳаққонийлиги сақланиб қолди, унинг OR P=0,001 билан 1,17 (95% CI 0,91-1,49) ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «Ўзбек популяциясида преэклампсияли аёлларнинг фено-генотипик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида ўзбек популяциясидаги преэклампсия билан аёлларнинг фено-генотипик хусусияти тақдим этилган.

Тадқиқотга ЎЗР ССВ “Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази” АЖда танлаб олинган 18 ёшдан 37 ёшгача бўлган ўзбек миллатига мансуб 200 аёл қирган. Ўрганилувчи шахслар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ преэклампсия билан (100 нафар) ва акушер-гинекологик анамнези оғирлашмаган ҳамда мазкур хомиладорликнинг физиологик кечиши билан соматик соғлом мижозлар гуруҳи (100 нафар). Иккала гуруҳ акушерлик анамнези ва паритетлик бўйича қиёсланувчи бўлган. Преэклампсия гестациянинг 20 ҳафтасидан кейин артериал гипертензия ($АБ > 140/90$ мм.сим.уст.) ва протеинурия ($0,3$ г/сут дан ортиқ) юзага келганда ташхисланган. Назорат гуруҳи гестациянинг барча босқичларида гипертензив бузилишларнинг йўқлиги билан характерланган.

Анамнез йиғишда ўтказилган тизимли таҳлил давомида энг катта ОР кўрсатган омилларни аниқлашга алоҳида урғу берилган.

Ўзбек миллатига хос аёлларнинг фенотипик тахлили преэклампсиялик гуруҳ назорат гуруҳидан ҳақиқий фарққилишини курсатди, шундай қилиб преэклампсия гуруҳидаги аёлларнинг ўртача ёши $M \pm m = 36,1 \pm 2,8$ ёшни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса $22,2 \pm 3,5$ ёш ($P < 0,01$)ни ташкил қилди. Аёлларнинг мутлақ кўп қисми хомиладорликни 12 ҳафтасигача назоратига олинган (77% преэклампсия гуруҳида ва 72% назорат гуруҳида). Тана вазни индекси иккала гуруҳ орасида ҳақиқий фарқ қилиб, биринчи гуруҳда $31,3 \pm 3,8$ кг/м² ни ташкил қилди, иккинчи гуруҳда эса $24,4 \pm 2,9$ кг/м²га тенг булди ($P < 0,001$).

Қизиги шундаки, дастлабки текширув давомида ўлчанган артериал қон босим даражасини солиштирганда, факат диастолик қон босми бўйича икки гуруҳ орасида ҳақиқик фарқ аниқланди. Шундай қилиб преэклампсия гуруҳида систолик артериал босимнинг ўртача даражаси $121,2 \pm 8,3$ мм.сим.уст. ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса $113,7 \pm 7,8$ мм.сим.уст. ни ташкил қилди ($P > 0,5$). Лекин назорат гуруҳида ДАБнинг ўртача кўрсаткичи $78,7 \pm 5,3$ мм.сим.уст. ни ташкил қилди, преэклампсия гуруҳида эса ҳақиқий фарқ қилиб $66,2 \pm 2,0$ мм.сим.уст ни ташкил қилди.

Иккала гуруҳдаги хомиладор аёлларнинг аксарияти болалик даврининг қизамиқ, қизилча, скарлатина, сувчечак каби юқумли касалликлари бошдан утказган, шунинг учун бу курсаткич бўйича гуруҳлар орасида ҳақиқий фарқ аниқланмади. Оилавий анамнезни ўрганиш натижасида гуруҳлар орасида ҳақиқий фарқ борлиги аниқланди. Шундай қилиб, преэклампсия билан гуруҳида мижозларнинг 10% сингилларида ПЭ кузатилган, назорат гуруҳида эса бундай ҳолатлар кузатилмади ($P < 0,05$). Шунингдек биринчи гуруҳдаги аёлларнинг оналарида хомиладорлик даврида аналогик ташхис бўлган, назорат гуруҳида эса аналогик ҳолатлар 2% ни ташкил қилди ($P < 0,001$). Қон-томир касалликлари бўйича анамнез биринчи гуруҳ аъзоларида иккинчи гуруҳга қараганда купрок учраган (мос равишда 66% и 27%, $P < 0,001$).

Купгина олимлар биринчи хомиладорликни преэклампсия хавф омили деб ҳисоблашади. Бизнинг текширувимизда иккала гуруҳ аёллари паритетга аҳамият берилган ҳолда танлаб олинган сабабли (иккала гуруҳда 72% аёллар биринчи хомиладорлиги булган), статистик аҳамиятли фарқни аниқлашга имкон булмади.

Хомиладорлик натижаларининг солиштирма таҳлили иккала гуруҳда аҳамиятли фарқни аниқлади, шундай қилиб преэклампсия гуруҳида хомиладорликнинг ўртача давомийлиги туғруқ жараёнида $35,2 \pm 1,3$ ҳафтани, назорат гуруҳида эса $39,1 \pm 1,1$ ҳафтани ташкил қилди ($P < 0,05$). Бу биринчи гуруҳ миждозларида туғруқ кўпроқ кесар кесиш йўли билан (73%) содир бўлгани сабабли булиши мумкин, иккинчи гуруҳда эса табиий туғруқ 61% ҳолатда ўтказилган ($OR=2, p < 0,001$).

САБ ва ДАБ даражаларидаги ҳақиқий фарқ (ҳар бири учун ($P < 0,001$) ва протеинурия ($P < 0,05$) қўйилган ташхисни тасдиқлади. ПЭ билан гуруҳдаги аёлларнинг ТВИ назорат гуруҳидагидан ҳақиқий фарқ қилмади ($P=0,56$).

Кейинги босқичда ПЭ билан гуруҳда ва назоратдаги хомиладорлар гуруҳида мета-анализ яқунлари бўйича энг кўп ҳақиқийлик даражасини кўрсатган локуслар бўйича генотиплаш ўтказилди. Ўрганилган 7 та полиморфизмдан Харди-Вайнберг мувозанатидан силжиш фақат назорат гуруҳида иккита полиморфизм rs231775 ($P=0,0004$) ва rs268 ($P=0,005$) бўйича, шунингдек ПЭ билан гуруҳда rs231775 ($P=0,004$) локуси бўйича кузатилган.

ПЭ билан гуруҳда ва назорат танламасида ўрганилган полиморфизмлар бўйича аллеллар ва генотиплаш частотаси таҳлили текширилувчи гуруҳларда ҳақиқий фарқ борлигини аниқлади.

Шундай қилиб, МЕСОМ генининг rs7626980 локуси бўйича аллеллар частотасининг тақсимланиши ПЭ билан гуруҳда А аллелининг устунлигини кўрсатди. А аллелининг нисбий ҳавфининг аҳамияти 1,77 ($P=0,007$)ни ташкил қилди, бу унинг ПЭ ривожланишидаги ҳавfli таъсирини кўрсатади, мазкур полиморфизмнинг G ($OR=0,56; P=0,007$) аллелини мазкур патология ривожланишининг протектив маркери сифатида кўриш мумкин.

Барча ўрганилган полиморфизмлар орасида ҳақиқийликнинг юқори даражасини FLT1 гени таркибидаги rs 1185049 локусининг аллель варианты кўрсатди. Шундай қилиб, ПЭ билан гуруҳда мутант G аллелининг учраш частотаси $\chi^2=9,36$ ва $OR=1,87$ ($P=0,002$) бўлганда 0,665ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса мазкур полиморфизм ҳақиқий камроқ учради – 0,515 $\chi^2=9,36$ ($P=0,002$). CTLA генининг rs231775 полиморфизми бўйича аллелларнинг тақсимланиш частотаси ПЭ билан ва назорат гуруҳи орасида ҳақиқий фарқлар борлигини кўрсатмади.

Шунингдек, биз томондан ПЭ билан аёлларда хомиладорлик физиологик кечган аёлларга нисбатан ангиотензин-1 айлантириш ферменти (ACE) генининг rs4646994 полиморфизмининг Del мутант аллелининг ($OR=1,53; P=0,03$) учраш частотасининг ҳақиқий ортиши аниқланди.

Биз томондан олинган маълумотларга кўра LPL генининг rs268, SERPINE генининг rs1799889 ва коагуляция F2 генининг rs1799963

полиморфизмларининг аллель частоталари статистик ҳақиқий фарқ қилмайди.

Маҳкамланган эффектнинг логистик регрессияси тахлили иккала ўрганилувчи гуруҳда аҳамиятли фарқ борлигини кўрсатди. ПЭ билан бўлган миждозлар ва назорат гуруҳидагилар орасида ўрганилган полиморфизмлар бўйича генотиплар частотасини солиштириш ПЭ ривожланишига сабаб бўлган бир қатор ҳавф вариантларини аниқлади.


Fms-симон тирозинкиназа-1 (FLT1) генининг rs1185049 локуси олинган натижалар орасида энг кўп ҳақиқийликни кўрсатди. Шундай қилиб, генотипнинг ПЭ билан гуруҳида учраш частотаси 0,-45 ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса мазкур полиморфизм ҳақиқий камроқ учради-0,277 (P=0,001). Мазкур генотипнинг имкониятининг муносабати кўрсаткичи (OR) мета-аналитик кўрсаткичдан юқори бўлди ва 2,13 (P=0,001)ни ташкил қилди, бу эса мазкур генетик вариантнинг ПЭ ривожланишида хавфли деб кўриб чиқишга имкон беради. Шу вақтнинг ўзида А/А генотипи OR=0,41 (P=0,001) билан мазкур патологияга нисбатан протектив ҳисобланиши мумкин.

